# Соҳибқирон Амир Темур жасорати мангу яшайди



**Маълумки, халқимизнинг буюк тарихида улуғ бобоколонимиз, моҳир саркарда, давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг ўрни беқиёсдир. Айни кунларда юртимиздаги барча таълим муассасаларида улуғ аждодимиз таваллудининг 687 йиллигига бағишлаб турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда.**

**Термиз тумани касб-ҳунар мактаби фаоллар залида ана шундай маънавий-маърифий тадбирларидан бири бўлиб ўтди.**

**Тадбирда ўқувчилар томонидан соҳибқирон бобомизнинг яшаб ўтган ҳаёт йўли, шонли ғалабалари-ю, бой маънавий меросига тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан Амир Темур ҳаётидан парчалар маҳорат билан ижро этилди. “Темур тузуклари”даги энг сара ҳикматлар ёдга олинди.**

**Улуғ аждодларимиз қолдирган бой моддий ва маънавий меросни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказишда бу каби тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.**